

# ТОНГ ЮЛАУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 75 (65951)  
1996 йил, 12 октябрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

**Фарҳод ЖАББОРОВ:**

## ЎҚУВЧИЛАР ЯСАГАН РЎЗГОР БУЮМЛАРИ ЖУДА ХАРИДОРГИР

— дейди Хоразм вилояти, Богоғ туманидаги Феруз  
номли 4-лицей мактаби директори


— Вилоятимизда умумтаълим мактаблари сони 506 та. Шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришганимиздан сўнг, янги йуналишдаги мактабларимиз сони 42 тага етди. Шулардан бири бизнинг лицеј-мактабимиз. Бизда бир қанча тўтараклар қаторида машиий хизмат, сартарошлиқ, балиқчилик, дәхқончилик, чорвачиликни ўз ичига олган «Маърифат» номли кичик корхонамиз мавжуд. Бу корхона ўз даромадидан аълочи, жамоатчи ўқувчиларга ҳар ойда 100 сўмдан стипендия белгилаган. Ўқувчиларнинг билимини баҳолашда рейтинг усулидан фойдаланаямиз.

Мактаб богимизда ўн минг туп кучат бор. Шундан 5600 тупини ўқувчиларимиз ўз қўллари билан қабристонларга хайрия қилишди. Улар ҳар ойда «Данак»

операциясини ўтказишади ва мана шубоқча экиб, парвариш қилишади.

Бундан ташқари, меҳнат таълими ўқитувчиси Раҳмонберди Душамов бошчилигидаги «Моҳир қўллар» тўтарагининг ҳам ишлари кўзга кўриниб қолган. Ўқувчилар ясаган ўқлов, элак каби уй-рўзгор буюмлари ҳам жуда харидоргир.

Мактабимизда тажрибали, ўз касбининг фидойи ўқитувчилари жуда кўп. Шулардан бири III дараражали Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори, Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси, бошлангич синф ўқитувчиси Гулсара Раҳимовадир. Унинг дарсига кирсантиз наинки ўқувчилар, ҳатто катталар ҳам чиққиси келмайди. Мана шундай фидойи ўқитувчиларимиз борлиги учун ҳам ўқувчиларимиз ҳамиша, ҳар ишда биринчи.



Телевизор орқали «Ахборот» курсатуви бошланиши биланоқ, дадамнинг бутун вужудлари қулоқча айланади. Ҳатто ўқиб ўтирган газеталарини ҳам четга суриб, укаларимга «жим бўлинглар» ишорасини қиласидар. Биз ҳам дадамнинг бу одатларига кўнишиб қолганимиз. Укаларимни секингина бошқа хонага чиқарив юбораманда, ўзим дадамнинг ёнларига келиб ўтираман. Қўшини мамлакатларда

## ТИНЧЛИГИМИЗ— ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

### ТАХРИРИЯТДАН:

Кўхна-ю қадим, эски-ю эскирмас, бо-ю фузун тилимизда «Олим бўлсанг, олам сенини», «Олиму илму амал» каби мақол ва ҳикматлар борлигини ҳамма билади. Лескин олим бўлиш осонмаслигини, олим бўлган тақдирда илмита доим амал қилиш қийинлигини ҳаммаям билмаса керак.

Олиму илму амал, дедик. Бекорга шундай демадик.

Қарангки, узоқни кўзлашган Фарҳодаканинг лицейида олиму илму амал айни диққат эътиборда. Негаки, бу илм масканида булажак олимлар — бугунги кун аълочи ўқувчилари ўзлари «Данак операцияси» ўтказиб, ўзлари кўчат экиб, парвариш қиссалар, илмга амал қилиш эмасми? Ўзлари ўқлов, элак ясашлари-чи?

Ўзлари сартарошлиқ, дәхқончилик, балиқчилик қиссалар, олган ҳарна илмларини саноатда, зироатда, уму-

ман амалда қўлласалар, олиму илму амал, дегани шу эмасми?

Фарҳодаканинг лицейида шунақа. Ҳар бир ўқувчи илм олиш билан банд. Ҳар бир ўқувчи илмини амалда синаб кўришимконига эга. Ҳар бир ўқувчи газет-журналдан берилиб илм шимириши мумкин... Сиз, булажак олимлар қайси газетани кўпроқ берилбўшишаркин, демоқчисиз. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, улар ўз газеталари — «Тонг юлдузи»ни ўқишиади. Ҳаммаси обуна бўлганми демоқчи булаётганингиз ошиқча. Зарқадрини заргар билади деганидек, илм қадрига стувчи илмпарвар ёшулли Фарҳод ака бу ишда ҳам албатта ўзи бош-қош булади. Шубҳасиз, Фарҳод акадек том маънодаги зиёли устозлари бор экан, 4-лицей ўқувчилари устоз зиёсидан ҳам, «Тонг юлдузи» шуъласидан ҳам баҳраманд була-

веришиади.

Дарвоҷе, 4-лицей ўқувчилари ўзлари ҳунар ўрганиб, ўзлари пул топаётганиклари учун, керак бўлса, ҳар бири қолган лицейдошларини «Тонг юлдузи»га ўз ҳисобидан бирваракай обуна қилиб юбориши ҳеч гапмас. Ҳунарманд, илмлик 4-лицей ўқувчилари нинг ҳам саркори Фарҳодака Жабборовнинг ҳам чоги кўп нарсага келади, қурби кўп нарсага стади. Аслини олганда-ку, Фарҳод акани лицейига ўхшаш лицейлар, маҳсус

мактаблар мамлакатимизда оз бўлмаса керак. Уларнинг ҳам Фарҳод Жабборовдек меҳрибон устози, валломат саркори булиши шубҳасиздир. Ниятимиз, уларни излаб топиб, газетамизда ёритиш. Суюкли ўқувчиларни «Тонг юлдузи»га обуна қилаётгани меҳрибон устозлар, саркорлар билан юзма-юз сұхбатлашиш.

Хатларингизни кутамиз.  
Ҳабар қилинг, келиб меҳмонимиз бўлинг.



булаётган даҳшатли воқеалар, қон тўкицилар ҳақида сўз бораркан, бу воқеаларнинг асл моҳиятини аниқ тушуниб етмасам-да, зўр қизиқиши билан кузатяпман. Тушунмаган жойларимни дадамдан сўраб оляпман.

Ана, мен тенги қизалоқ кетяпти. Уст-бошлари юпун, совуқдан жунжиккан. Онасининг кетидан қолмай чоп-қилаб бораркан у ҳам ўзга юртлардан тинчлик, осойинтилик топармиканман деб хомуш.

Үрнимга ётдиму қанийукум келса. Мен-ку, отонамнинг гиссиқ бағрида ҳеч бир ғам-ташвишисиз яшайман. Дадамнинг айтишларича, буларнинг бари давлатимиз раҳбарларининг доно сисвати, тинимсиз меҳнатлари туфайли экан.

Биз ёшларнинг таълимтарбия олишимиз, касб-ҳунар ўрганишимиз, ўзимиз севган спорт турлари билан шуғуланишимиз учун барча шароитлар етарли. Меҳрибон устозларимиз бор билим ва маҳоратларини аянмайди. Шундай бўлсада дарслардан қочиб, олтинаға тенг фурсатларини бехуда сарфлаётган айрим тенгдошларимга қаратса «Түқлика шуҳлик қилмантлар, азиз тенгдошлар» дегим келади.

**Иродда УМАРОВА,  
Чирчик шахридаги 12-  
мактабнинг 6-синф  
ўқувчиси.**

## МУРОДЖОНДЕК БҮЛСАЙДИ...

Муроджон — ойланинг түнгич фарзанди. Шундан булса керак, ота-онасининг ҳам, бувижонисининг ҳам энг яқин күмакчиси ҳисобланади. Гоҳ бувисига ўтиң келтирса, гоҳ онасига томорка юмушларида күмаклашади. Қурилиш ишлари билан шугулланаштган дадасининг ҳам энг яқин дастёри.

Муроджон ҳар бир кунини эрта тонгданоқ режалаштириб олади. Шунинг учун ҳам ишлари унади, ҳар нарсага фурсат топади. Математика, физика, тарих фанларига иштиёқи баланд. Уртоқлари Ҳабибулла, Алишерлар билан биргаликда узлаштириши пастроқ булган сифдошларидан ҳам ёрдамини аямайди. Сингилгаси Райхонга қизиқарли эртаклар уқиб беради, мумтоз шоирларимиз шеър ва газалларидан уқиб, ёд олади. Мактаб кутубхонасида узоқ йиллардан буен ишлаб келаётган онаси Лестул Кузенбоеванинг таъсириданми, адабиётга иштиёқи зўр. Кичик-кичик ҳикоялар, кувноқ шеърлар қоралаб юради.

Муроджондан устозлари ҳам мамнун: «Кошкийди, укувчила-римнинг ҳаммаси ҳам Муроджон сингари билимли, зеҳни болалар булишса...» дейди доим унинг синф раҳбари Азиза Турсункулова.

**6-синфда уқиётганимда яхши үқийдиган болаларни йигиб, битта иқтидорли синф тузиши. Унга дўстларим Баҳром, Илхом, Шерзодни ўтказиб мен синфимизда қолдим. Кўнглим анча чўккандай бўлди. Салгина шуҳлигим, озгина пастроқ үқишим синфда сезилиб қолди. Үқитувчилардан тез-тез дакки эшитиб турадиган бўлдим. Кўпчиллик «бу үқимайди», «гапиришнинг Фойдаси йўқ». —**

## ИШОНЧЛАРИНИ ОҚЛАЙМАН

деган гаплар қилишиди. Шунда тип ва адабиёт үқитувчимиз Маҳсума оба: «шу болани мен ўзим йўлга соламан. ёмон деган билан ёмон бўлиб кетаверади—да». — деб мени ўз қанотларига опдилар. Мен устозимнингюзини ерга қаратмаслик учун барча шўхликларимни ташлаб, секинлик билан бўлсада фанларни ўзлаштира бошладим, ҳатто инглиз тилидан ўтказилган синфлар аро белашувда ҳам иштирок этдим.

Уқитувчиларинг сени тушунишса, сен ҳам илмда дади проқ бўлар экансан. Мен Маҳсума опамларга саломатлик тилайман. Менга бўлган ишончларини оқлашга ҳаракат қиласман. Зуфар ОРИФХЎЖАЕВ, Тошкентдаги 268-мактаб ўкувчisi.



## ПАХТАЗОРДАН ТОПАСИЗ

Моҳичехра, Маъмура, Собир ва Назиралар Муроджоннинг мактабдошлари. Пахта йигим-теримидаги тенгдошлари орасида пешқадамлик қилаётган уғил-қизлардан. Улар таҳсил олаётган тумандаги 3-мактаб ўкувчиларини айни кунларда пахта далаларидан топасиз. Кузнинг қуёшли, илиқ кунларини ганимат билган ҳашарчилар она ер саховати, пахтакорлар меҳнати, неъмати — оқ олтинни чаққонлик билан териб бир неча бор туман биринчилигини кўлга киритишиди.

— Тераёттан ҳар бир мисқол пахтамиз жамоа хўжалигимизниг 2550 тонналик режасига муносаб ҳиссамиз булиб қушилсин, — дейишпти улар.

**Муҳаё ТЎЛАГАНОВА, Янгийўл тумани, Тинчлик жамоа хўжалигидаги 3-мактаб ўқитувчisi.**



## ЯНА ДЎСТЛАР ОРТИРМОҚЧИМИЗ

Менинг онам маҳалламида қули гул ва пазандалиги билан элга манзуру булган аёллардан. Укиши мени ҳам узларига ухшаб ўй ишларида ҳам, кучада, мактабда ҳам намунали қиз булиб юришимни хоҳлайдилар. Узим ҳам ҳар доим шундай булишта ҳаракат қиласман. Айниқса, каштасилик ва тикувчилик ишларини жуда ёқтираман. Дугоналарим билан дарсдан буши пайтларимизни ўзимиз ташкил қилған «Моҳир қуллар» деб номланган мутьязигина тұғаралығында ўтказмиз. Бир-биридан кўркам кўйлакчалар, қалпокчалар ва шунга ухшаган кийимлар тикамиз. Каштасилик дугоналарим тиккан нақш ва гулларни айтмайсизми. Буларңинг барчасига онам бошқош булиб турадилар ва қилаётган ишларимизни кўриб бирам. Овозамизни эши-

қамиз. Иккаламиз тортишиб уқиб чиқмаган бадий китоблар қолмagan деймиз ҳазиллашиб. Ростдан ҳам жуда күп китоблар уқиганмиз. Ҳатто каттагина кутубхона ҳам ташкил қилғанмиз. Кутубхонамиздаги китобларга бутун мактабимиз ўкувчилари қизиқади. Шунинг учун ҳам у ер ҳамиша гавжум. Сатторов Дониёр деган синфдошимиз эса қули гул уста. У ўзича қашфиётлар қилиб, тахтадан антиқа буюлар ясад ҳаммазига совга қилған. Уни ҳам ҳозирча «Моҳир қуллар» тұғарагига аъзо қилиб олдик. Кейинроқ, албатта, «Уста йигитлар» тұғарагини очамиз. Ана шунақа, менинг ду-

## Соф юрак — тоғ юрак

## КУРАШ ТУШИБ, ЧИНИҚИБ

Бекатда икки боланинг ёқалашаётгани гувоҳи бўлдим. Уларни ҳеч ким ажратолмасди. Мен ҳам борай, дедим бирорта дайди мушт тушип қолишидан чўсидим. Ҳуллас, гавдалиси озғирни боладан енгилди.

— Спорти экан, — дейишди устун чиқсан болани мақтаб бекатдагилар.

Бу воқеани кузатиб келибօқ мактабимиздаги кураш тұғарагига ёзилдим... Яна ўйламанг, муштлашувда голиб чиқиш учун деб. Ахир олдинда ҳали ҳарбий хизмат бор, куч-кўйда яхши-ёмон бор деганларидек...

Хуллас устозларим Муродилла ва Зафар акамлар раҳбарлыгыда фарғонача кураш усусларини ўрганинган. Айттандай, синфдошларимнинг ҳам ярмидан купи спорт билан шугулланишашти.

Хатимнинг охирида республикамизининг барча мактабларидаги тенгдошларимга мурожаат қилмоқчиман. Айтинг-чи, сиз қандай спорт тұғаракларига қатнашмоқдасиз. Ватанимизнинг бўлгуси ҳимоячилари булиш учун нималар қиласапиз. Езинг, хатларингизни кутаман.

**Бахтиёр ВАЛИЕВ, Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг математикани чукур ўрганишга ихтисослашган лицей синфи ўкувчisi.**



## Обуна — 97

стларим ўқишида ҳам, ҳунар ўрганишда ҳам ҳеч кимдан қолиши-майдиганлардан. Яна ўйлаб қўйган күп тадбирларимиз бор. Уларни ҳам, худо хоҳласа, амалга оширишга жиддий ҳаракат қиласми. Ҳозирги кунда эса севимли «Тонг юлдузи» газетасига обуна булиш ишларини астойдил намунали тарзда амалга оширипмиз. Келгусида газета орқали купгина дустлар ортириб, улар билан ўқишида ҳам, ишларимизда ҳам тажриба алмаштироқчимиз.

**Нодира МАЖИДОВА, Фарғона вилояти, Бешарик тумани, Фурқатномли 26-ўрта мактаб ўкувчisi.**

## Намуна

Қаноат бирла қорин тўйдирурсиз, Қаноат бўлмаса кўп оч бўлурсиз. Қаноатсиз киши бағрини дөглар, Қаноатлик киши оғзини ёллар.



## КАНОАТ

Бир кишининг Али ва Вали исмли икки ўғли бор эди. Али қаноатли, Вали қаноатсиз эди. Бир куни отаси бозордан олма олиб келиб, болаларини сина-моқ учун чақириб, мана, сизга олма бераман, — деди. Вали

тезлик бирла келиб: «Отажон, менга ҳаммасини беринг», — деди.

Али секингина келиб, манга биргина олма берсангиз буладир, — деди. Отаси Алининг қаноатига оғарин қилиб, кучигига олиб, пешонасидан ушиб, икки олма берди. Аммо Валига олма бермак қайда, балки қаноатсиз бўлма, деб адаб берди.

Истиқолимиз берган беҳисоб имкониятлар туфайли вилюятларда ўқув-тарбия муассасаларининг сони ошиб бормоқда. Иқтидорли болаларни илғаб олиш, уларга имкониятларяратиш ижобий самара бермоқда. Тарбия ишида фаолият курсатадиганларнинг ўзлари тарбияланган бўлишлари керак. Чунки улар инсонни шаклантирадилар. Шу хусусда Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиги Ж.Х.Халилов билан сұхбатлашдик. Бошқарма тасарруфида 770 та мактаб, 34 та умумтаълим лицейи, 24 та гимназия, 13 хунар лицейи ҳамда 5 та бизнес мактаби борлигини билди. Шунингдек, 134 та мактабдан ташқари муассаса, 491 мактабгача тарбия масканлари ҳам ўқувчилар таълим-тарбияси йўлида хизмат қилаётган экан. Ўқитувчининг бутун фаҳри ўқувчиларида, узи сочган ургутларининг униб-усишида экан, Жура Халиловичнинг фаолияти билан танишиш мақсадида энгаввало ишингиздан кунглини тўладими? деб сурдик.

— Ишимдан қўнглим тўлмаяпти, дейишинг асос йўқ, — дедилар улар. Чунки шундай даврда яшамизки, фарзандларимизни жаҳон андозалари даражасида тарбиялашда масъул эканлигимизни ҳар дақиқада хис қиласяпман. Президентимиз таъкидлаганларидек ёниб яшашимиз керак. Кўнглини тўлдирадиган ибратди ишларни кўпайтиришга, таъбир жоиз бўлса андижонча таълим-тарбия самарадорлигини оширишга, республикада ўз ўрнимиз ва мавқемиз бўлишига интилишимиз шарт.

Илмнинг мағъали булмиш устозларимиздан бири — Жура Халиловичнинг таълим тизимида олиб кирган ўзарига ва янгиликлари ҳақида қизиқдик.

— Мен ҳамиша янгилик таражориман, — дедилар улар. Тафаккур ҳамиша ривожланишида экан, таълим тизимида жараёнлар ҳам услублар, фоялар билан янгиланиб бора-веради. Шу боисдан таълимда диагностик таҳлилдан фойдаланаётган. Маълумки, муаллимлар меҳнатини қадрлаш, улар ўргасида кадрлар қўним-сизлигига барҳам беради. Одилсон Акбаров, А.Эшонхўжаев, Мамажон Абдурасуловларниң номи қўйчиликка таниши. Уларнинг ишлари фанинг юк-

сак чўққиларида турибди, де-сам муболага эмас. Бобур, Но-дира, Чўлпонлар ҳам Андижон фарзанди. Биз ана шу аллома-ларимиз номи билан аталади-ган мукофот ва кўкрак нишон-ларини таъсис этдик. Шунингдек, бошқарманинг «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан вилюятимиздаги мингта яқин халқ таълими ходимлари тақдирланадилар. Хушманзара Дилкушод қишлоғида Бобур номидаги муаллимлар дам олиш масканини ташкил этганимиз. Халқ таълими фахрийлари вилюят кенгаши, Халқ таълими музейи ҳамда республика вилюятлари орасида ўз газетамиз «Зиёкор»ни ташкил этганимиз ҳам мураббийларимизни кўнглига йўл топганимиз-

ган Республика семинар-кенга-шида иштирок этиб, бу соҳада олиб борилаётган ишларимизга берилаётган юксак баҳодан руҳланиб, келажагимиз фарзандла-ри билим ва тафаккурли, юрт рав-нақига равнақ қўшадиган, мил-лий фурур ва ифтихори баланд инсон бўладилар деб юракдан ишондим. Чунки 1992—93 ўқув йилида республика фан олим-пиадаларида иштирок этган ўқувчиликнинг 20 фоизини лицей ва гимназиялар ўқувчилари ташкил этган бўлса, 1995—96 ўқув йилида бу кўрсаткич 70 фоиздан юқори бўлди. Бу натижалар биз камолга етказаётган авлод Ватанимизнинг ҳақиқий таянчла-

римиз Абулла Орипов. Камолот ичра кўзгу булган ҳар бир устознинг болалар оламига кириб келиш олами бор. Сиз ҳам бу оламга бежиз кириб қолмагандирсиз?

— Мени болалик оламига, муаллимликка етаклаган омил жуда кўп. Улар орасида ўқувчилик йилларимдаги ўқитувчиликка бўлган юксак ҳавас ва маориф ишига бўлган қизиқишимдир. Ўрта мактабда муаллимлик қилиб юрганимда ҳам, раҳбарлик лавозимларда ҳам мени бу туйғу бир зум тарк этмади. Болалар олами энг мукаммал инсонлар манзили экан. Шунинг учун бунда юзакиличик, расмийтичлик ва енгил-елли ишлап тўғри келмайди. Болалар-

жалланган 12 та мактаб фойдаланишга топширилган ҳақида, шунингдек, 7 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар ҳам иш бошлагани тўғрисида, уларнинг аксарият қисми компьютерлаштирилганидан, ўқув-қуроллари билан таъминлаш ҳам ўқувчиларнинг талаб ва имкониятлари даражасида эканлигини қувониб сўзлади-лар.

Андижон қадимдан ўз хунармандлари билан машҳур. Бу анъаналар ҳозирги авлодга хунар ўргатиш жараёнида асқотмоқда. Вилюят халқ таълими бошқармаси ва вилюят бандлик бошқармаси билан ҳамкорликда 1994 йилда устозшогирд усулида ёшларга хунар ўргатиц ишларимиз мисолида республика семинар-кенгашини ўтказдик, — дейдилар яна.

— Вазирлар маҳкамасининг қарорига асосан бир неча хунар-билим юртлари лицейларга айлантирилди. Бу лицейларда мисгарлик, заргарлик, зардӯзлик, пичоқчилик, косиблик, каштачилик касблари ҳам талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб ўргатилмоқда. Ҳар йили пойтахтда ўтказиладиган хунар-билим юртлари ўқувчиларининг анъанавий сайлида вилюятимиз ёш хунармандлари иштирок этиб, фақат юқори ўринларни эгаллаб келятилар.

Шу куни вилюят халқ таълими бошқармасининг бошлиги нутқ ўргатадиган муаллим — китоб эканлиги ҳақида тухталиб, ўқувчиларнинг китобхонлиги ҳақидаги фикрларини ҳам билдирилар. Китоб ўқитанлар узларини яхши таниб оладилар, — дедилар. — Ақллар қаймоги китобни шамол ҳам вараждай олади. Аммо гап уни ўқий билишада! Биз ҳам сұхбат сунгиди идрок элағида эланган китоблар оламига болаларни жалб қиливчи, уларни замонавий масканларда тарбиялаш, андижонча таълим-тарбияси билан қизиқиб, илму-маърифат билан қалбларига чироқ ёқишини истаган жонкуяр устоз ишларига омадлар тиладик ва ижодий фаолиятларининг месаси — шогирдлари ақлни чарҳлашда, онгини ёрдулашда илҳом тилаб, ҳамиша сог бўлинг, сиздан бизга гўзал ҳаётлари, илмада эгаллаган муваффақиятлари ҳақида тўлқинланиб ёзувчи ҳақиқий газетхонларимизни тарбиялашсиз деб умид қиламиш, — дедик.

## Юлдузхон.

# АНДИЖОНЧА ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ

## Устоз минбари



дандир.

Билим олишда узинг-узингни қувла дейишади. Аммо бор билимни ҳам олмоқдан чалгувчилар кўп. Шунинг учун иқтидорли болаларга, билимга иштиёқманд болаларга жиддий ётибор бериш керак. Уз-узидан маълум, Жура Халиловичга иқтидорли болаларга ётибор қандай, деб савол бердик.

Маълум булинича, вилюят ҳокимлиги 1992 йилда ёки иқтидорли болаларни танлаш ва уларга чуқур билим бериш борасида маҳсус дастур қабул қилинган экан. Шу вақтгача вилюядда 58 та янги турдаги таълим муассасаси ташкил этилибди. Уларда 10 мингиётдорли ўқувчилар таҳсил олади.

— 1994 йилда вилюятимизнинг Хонобод шаҳрида иқтидорли ўқувчиларнинг марказини ташкил этдик, — деди бошқарма бошлиги. — Турли туманлардан келган аълочи ўқувчилар йил давомида бу ерда ҳам билимларини мустаҳкамлайдилар, ҳам мириқиб ҳордик чиқаридилар. Андижон шаҳридаги «Ёшлик» болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида ўқувчиларга инглиз, француз, немис ва араб тиллари мукаммал ўргатилмоқда. Яқинда лицей ва гимназиялар ўз мадҳияларига эга бўлдилар.

ри бўлади, дейишга имкон яратмоқда.

Вилюят ўқувчилари ватанпарвар, миллий қадриятларни қалбida туйған инсонлар бўлиб шаклланмоқдалар. «Мен мустақил Ўзбекистон фуқаросиман», «Шуазиз Ватан барчамизники», «Туркестон — умумий ўйимиз», «Истиқол — буюк неъмат», «Соҳибқирон фарзандларимиз» мавзусидаги тадбирларимиз ҳам ҳар бир болани ўзига хос шакллантиргани аниқ. Ўқувчи Бахтиёр Камолов «Туркестон — умумий ўйимиз» мавзусида ишо ёзиб, республика биринчи ўринни олгани, Марҳамат туманидаги Зилий ўқувчиси М.Ҳайдарова лицей мадҳиясини яратгани ҳам бунга далиллар. Натижада вилюядаги лицей ва гимназиялар ўз мадҳияларига эга бўлдилар.

**Муаллим ҳақида сўзим**  
ушбуидир:  
**Муаллим камолот ичра**  
кўзгудир.  
**Ўқидим Геродот, тарихни**  
кўп бор,  
**Форобий, Дантели тақрор ва**  
тақрор  
**Барини ўқидим, лол қолди**  
аклим  
**Барига устозсан ўзинг**  
муаллим...  
деб ёзган эди устоз курган шоини жон-дилидан севган ва халқ таълими ишига меҳр кўйган кишигина бу соҳада юксак натижаларга эришади.

Фидойи мураббий, болаликданоқ «Ленин учқуни» газетасини ўқиб үлғайган, эндиликда фикри теранлашиб, камол топган Ж.Х.Халиловга вилюятимиз болалари «Тонг юлдузи» ни қандай ўқишишти? — деб сўрадик.

— Ўқувчилик давримда бу газетага ёппасига обуна бўлиш анъанаси бор эди, — дедилар улар кулиб. — Қўлма-қўл қилиб ўқиганларимиз, илк ёзган шеъру ҳикояларимизни редакцияга юборганимиз, бизга таниш мактаб ёки бирор тенгдош дўстимиз газетада чиқса, уни кўз-кўз қилиб, кекса-ю ёнга мақтаганимиз, хуллас, газетанинг номини ўшиши, унинг янги сонини кўлга олиш бизга байрам эканлигини айтиши бугун мен учун нақадар мароқли! Аммо ҳозирги болалар назаримда газета ўқишишти. Вилюятимизда бу йил атиги 3 минг бола газетага ёзилганинг ўзи ҳам бундан далолатdir. Ахир, юксак тафаккур ва қалб дунёсининг бойиши оммавий ахборот нашрларини кузатиб боринидан бошланади-ку.

Бошқарма бошлиги бизга бу йил 4 минг 600 ўқувчига мул-

Болалик инсон умрининг энг бегубор, баҳтиёр ва бетакрор палласидир. Уни янада баҳтироқ, сер-

## ФОЙИБДАН КЕЛАЖАК БАХТ – БУ АФСОНА

матно ва серзакроқ қилиш ҳар бир ўғил-қизнинг ўз кўлида. Эртаниги куни ҳақида ойдин орзулар қилиб, ҳозирданоқ пухта билим олишга иштиёқтган, бирор касб хунарнинг ҳадисини олаётган ўқувчиларнинг орасида билиб-бilmай жинойи ишларга ўрайтган, оқибатини ўйламай босган биргина ножӯя қадамлари боис гулдек умрларини ҳазон қилаётганлар ҳам бор экан.

Кўйида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази маълумотлари асосида ўсмирлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва уларнинг тафсилотларини ёритишимиз. Улардан тегишили хуносалар чиқариб, тенгдошларингиз йўл кўйтган хатоликларни тақрорламайсиз деб умид қиламиш.

\*\*\*

Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Бобур ном-

ли жамоа ҳўжалигига яновчи нафақаҳур А.Халиловнинг molxonasiдан бир йула 13 бош қўйи йўқолиб қолди. Туман ички ишлар ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида ўгрилар тез орада қулга олинди. Аниқланишича, қўй угрилари Денов шаҳар, Ш.Рашидов кучасида яновчи 1979, ҳамда 1980 йилларда тугилган ака-ука Турсевлар бўлиб чиқди. Яна ака-укаларнинг ҳеч қаерда ўқимас ва ишламасликлари ҳам аниқланди.

\*\*\*

Зебу-зийнат, тақинчоқ ва ҳапамларга уч булган иккى дугонанинг қўлмиши қиз бола шаънига деб булиб тушди. 1979 йилда тугилган Л.Ҳамидова ва 1980 йилда тугилган М.Қодировалар Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида яновчи Р.Олчинбоевага

нисбатан куч ишлатиб қулогидаги сариқ металдан ишланган зирагини юлиб қочиштган. Олғир қизларга угириланган зиракни тақиши насиб қилмади. Туман ички ишлар булими ходимлари уларни зудлик билан қўлга олишиди.

\*\*\*

Эндигина 16 ёшини қаршилаётган, ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юрган Й.Ийулдошев ўз қилмишлари учун суд залининг қора курсисида утириб, жавоб беришига тўғри келади. У Сирғали туманида истиқомат қилувчи Р.Султоновга тегишили бўлган давлат белгиси О67—77 ТН бўлган «ВАЗ—2106» русмли автомашинани угирилаб кетаётганида иккى ишлар бўлимининг тезкор вакиллари томонидан қўлга олинган.

Озода ТУРСУНБОЕВА.

Китоб  
жавонингизга

Амир Темур бобомизнинг ҳаёти, фаолияти, сийрати, олижаноб хизматлари ана шу танбехлардан яққол билинади.

Қўйида Амир Темурнинг «Танбехлар» билан танишасиз. \*

Ажал қўрқоққа баҳона.

\* \* \*

Аслида давлат Тангри таолонинг фазлу иноятидандр. Аммо сабабчиси биз эдик.

\* \* \*

Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ.

\* \* \*

Ақлли киши учун тўла баҳтсаодат билан келган хурсандчиликдан кура, азобу укубатдан кейин келган хурсандчилик афзалдор.

\* \* \*

Ақлли расо ва ҳушер кишилардан кенгашшу тадбир сураб, фикрини бил.

\* \* \*

Аҳдига вафо қилмаган киши охири жазога мубтало булади.

Агар душманинг паноҳинта бош уриб келгудай бўлса, яхшилик қил, (унга) муруват кўрсат.

\* \* \*

Агар икки хатарли ишни қилишга тўғри келса, (лекин) иккаласидан ҳам қутилиш чораси топилмаса, унда бир хатарисини ихтиёр қил.

\* \* \*

Агар мамлакат ҳокимсиз қолса, унга зарар зиён етади, ҳол-аҳволида фахш юз беради.

\* \* \*

Агар подшоҳ золим бўлиб, вазири одил бўлса, подшоҳнинг жабр-зулмини тўхтатиш чора-тадбирларини куради. Агар вазир золим бўлса, салтанат ишлари тез кунда за-

## ЯХШИЛИК

ибрат

## ЕРДА ҚОЛМАС

Бир Ари сув устинда борур эди. Бирдан сувга йиқилуб кетди. Қанотлари хўл булуб учарга кучи етмади. Улар ҳолатта етди. Буни бир кабутар куруб, Арига раҳми келуб, дарҳол бир чубни тишлаб, сувга ташлади. Бечора Ари чубни кема қилуб, сув балосидан қутилди. Ародан кўп ўтмади. Бир бола тузоқ қўюб, Кабугарни тутмоқчи бўлди. Ари буни кўрган замон келуб, болани қулогини ёқди. Бола қулогининг аламидан тузоқни ташлаб, қулогини ушлади. Кабутар вақтни ганимат билуб, учуб кетуб улумдан қутулди.

Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,

Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён.

Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,

Сўз ямон бўлса, пичоқ қиндан чиқар.

ВАФОДОР  
МУРКА

Табнатда инсонга дўст, садоқатли ҳайвонлар анчагина. Маълум ва машҳур ҳайвонлар от ва итлардир. Улар доимо инсонга яхшилик қилиб, ёмон кунларига ҳамроҳ бўлганилар. Ҳатто ўзларини қурбон қилгандари ҳам бор.

Мурка пақабли мушук фақаттинга эгасининг эркатойи бўлиб колмай, вафодор дўстлигини ҳам исботлади.

Боку шаҳрига қизиникига кетатуриб Галина Ивановна Муркани қўшнисинига улар қараб туриши учун ташлаб кетади. Бир неча ойдан сўнг қўшнисидан «Мурка йўқолиб қолди» — деган хабар кепади. Галина Ивановна бу хабардан хурсанд бўлмаган бўлсада, вақт ўтгандан сўнг хаёлидан кўтарилиб кетди.

Зориллаб миёвлаётган мушукнинг овозини эшиштади.




ган Галина Ивановна эшикни очиб ҳамма ёғи ифлос, қорни оч, ўта қийналган Муркани кўриб хайратдан қотиб қолди. Шу заҳотиёқ уни ювиб, тараф овқат берилб ўзига кептириди. Эгасининг оёғига эркаланиб сўйкалаётган Мурка бу ерга келгунча қанчалик азоб тортганини айтиб берса бўларди. Лекин афсус...

Эгасига қанчалик вафодорлигини исботлаш учун Муркага Кисловодскдан Бокуга келиш учун 2 йил вақт керак бўлди.

Махмуда ХАЙДАРОВА тайёрлади.

## ТАСВИРИЛИ МУАММОНОМА

## Бўш вақтларда



Азиз ўкувчилар! Тасвирдаги айланаларда соҳибқирон Амир Темур ўтитларидан бири яширинган. Уни «очқич» даги ҳарфлар билан алмаштириб, кетма-кет қаторлар бўйича ўқиш билан билиб олинг-чи!

Тузувчи Ф. ОРИПОВ



Соҳибқирон бобомиз — Амир Темур 1336 йилнинг 9 апрелида Моварауннаҳрнинг кўркам шаҳарларидан бири Шаҳрисабзининг Хужа Илғор қишлоғида, катта обру-эътибор ва нуғузга эга бўлган барлос қабиласининг бек-

ларидан бўлмиш Тарагай баҳодир ва буҳорлик машҳур қо-нуншунос олим Убайдулла Маҳбубийнинг авлоди — Таскина бегим хонадонида тавалуд топган.

Тарагай баҳодир Чигатой хонлари хузурида юзбоши бўлиб хизмат қилган. «Бола бошидан» деган нақлга амал қилган Тарагай баҳодир ўғлига ёшлигидан яхши таълимтарбия берди. Темурбек аввал ўз қишлоғида, сунг Шаҳрисабздаги мадрасада уқиб, хат-саводини чиқарди. Таътил вақтларида эса отасидан ва бошқа кишилардан ҳарбий санъат, баҳодирлик расм-русларини мукаммал эгаллади, — деб ёзди олим Бўрибой Аҳмедов узи тўплаб таржимон бўлган «Танбехлар» китобида. Соҳибқирон тўйига Узбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасининг Абдулла Кодирийномидаги ҳалқ мероси нашриёти томонидан рангли қилиб, ялтироқ қозодза 12 минг нусхада чоп этилган китоб ўсмир ёшдаги болалар учун мулжалланган бўлса-да, уни кекса-ю ёш севиб ўқиши аниқ. Амир Темурга юксак меҳр билан яратилган китоб «Ғазаб утини тадбир суви билан учир», «Қайси навкар бегига ихлос қўймай, кунглида кудрат сақласа, баҳтсизликка учрайди», «Ўзинг тарбиялаган кишини хароб қилма», деган танбехлар билан зийнатланганлиги сабабли ҳам улуғ бобомиз тарихини қунт билан қанча кўп ургансак, уз тархимида шунчалик яқинлашибимизга башорат қиласи.

Бош мухаррир Умида АБДУАЗИМОВА

ТОНГ ЮЛДУЗИ  
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Тахрир ҳайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора Йўлдошева,  
Марат ШАФИЕВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилиди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -0578.  
7691 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишига тошириши вақти 19.00  
Тоширилди — 18.30

- Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-йи.
- Нашр курсаткини: № 64563
- Телефон: 33-44-25